



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЕНГАШИ ХАЛҚ МАСЛАҲАТИ РАИСИНИ ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни 65 йиллик юбилеи билан самимий кутлаб, унга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар Туркменистон халқига тинчлик-осойишталик ва раънақ тилади.

Гурбангули Бердимухамедовнинг замонавий Туркменистонни барпо этиш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақкамлашга қўшган катта ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга бўлажак таширига тайёргарлик доирасида икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорли-

гини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо ва саноат, транспорт ва логистика, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш ҳамда ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашиш фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари, шу жумладан, Афғонистонда мустақкам тинчликни таъминлашга ва ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга қўмақлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон етакчиси шу кунларда Туркменистон пойтахтида ўтказилаётган олтинчи Каспий саммити муваффақиятли ўтишини тилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг юксак азму шижоати, билим ва салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намоён этиб, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан Янги Ўзбекистон тараққиётига, унинг шон-шухратини жаҳон миқёсида янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, эл-юртимизга меҳри ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган куйдаги ташаббускор ва етакчи ёшларимиз "Келажак бунёдкори" медаллари билан мукофотлансин:

Матмуратов Гуломжон Гафурович — Хўжайли туманидаги "Ғафур-Ғулом чорва" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Отешова Гулайим Бегим кизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич талабаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Одилжонов Сарвиноз Азизбек кизи — Андижон давлат университетининг 2-босқич талабаси, Андижон вилояти

Ортиқхожиев Оматаллохон Хусниддин ўғли — Асака туманидаги "Замон миришкорлари" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Атоева Вазирабону Алишеровна — "Хунармаңд" уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими аъзоси, каштадўз

Хамдамова Шамшода Саидахмат кизи — Бухоро шаҳридаги 24-кўриш бўйича имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси тарғиботчиси, Бухоро вилояти

Туракулов Сардоржон Ёрқин ўғли — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиали кардиожаррохи, Жиззах вилояти

Эргашева Дилчеҳра Уролбой кизи — Пахтакор туманидаги "Silverleaf" қўшма корхонаси "John Deere" комбайни оператори, Жиззах вилояти

Қаҳорова Забаржод Абдураҳул кизи — Республика "Қизлар овози" клубининг Миришкор тумани бўлими раҳбари, Қашқадарё вилояти

Турсунов Аҳдам Асомиддин ўғли — "Uzbekistan GTL" масъулияти чекланган жамиятининг марказий лабораторияси смена муҳандиси, Қашқадарё вилояти
Кувондиқов Улугбек Ғайрат ўғли — "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг Гидрометаллургия заводи цианлаш ва сорбция цехи бошлиғи, Навоий вилояти

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

"МАРД ЎҒЛОН" ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, ҳалқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирлаш

тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Мард ўғлон" давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига "Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 июнь

▶ "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхати 2-бетда.

МУНОСАБАТ

Тўқимачилик — иқтисодийетимиз учун жуда катта имконият ва захирадир. У бизга кам харажат билан олтиндан ҳам кўп даромад келтирадиган соҳа ҳисобланади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕК БРЕНДИ ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

Хунармандларимиз қадим-қадимдан ипак ва пахтадан тайёрланган мато ва бежирим кийимлар билан Буюк ипак йўли қарвонлари орқали дунё халқларини таъминлаб келган. Евроосиё китъасида яшаган халқлар ўзбеклар тўқиган газлама ва тиккан кийимларни юқори баҳолаган. Лекин бахтга қарши, собиқ шўролар юртимизни арзон хомашё етиштириб берадиган ўлкага айлантирди, пахтаимизни қайта ишлашнинг асосий қисмини бошқа республикаларга ўтказди. Натижада ўзбек хунармандларининг асрлар давомида сайқалланиб, жаҳонни ҳайратга солиб келган тўқимачилик салоҳияти деярли йўқотилди. Фақатгина янги Ўзбекистон даврига келиб, мамлакатимиз тўқимачилик саноати ўз қаддини тиклади, аҳолимизнинг мато ва кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириб, маҳсулотларини хорижнинг 72 давлатига экспорт қила бошлади...

▶ Давоми 3-бетда

30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ

ТАРАҚҚИЁТГА ТАЯНЧ, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ


Аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил қиладиган юртимизда эртанги кун эгаларининг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилаётган эътибор дунё давлатлари учун намуна даражасига кўтарилди. Бу — мамлакатимизда ўтказилган халқаро форумларда қатнашган чет эллик мутахассисларнинг самимий эътирофи.

▶ Давоми 5-бетда



ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН КҮН

ТАҚДИРИМГА БЕФАРҚ БЎЛМАГАН МЕҲРИБОН ПРЕЗИДЕНТИМ БОР!



Газетамизнинг 2021 йил 29 июнь сонидида "БАХТЛИ ҚИЗНИНГ ҲИКОЯСИ: "ПРЕЗИДЕНТ МЕНГА УМИД БЕРДИ, ЯНГИ ҲАЁТ, БУЮК БАХТ УЛАШДИ" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Мақолада тошкентлик Азиза Самиғовага Президентимиз янги уй совға қилгани ва бу уйга кўчиб ўтиш лавҳалари, кўмакка муҳтож оиланинг бахтиёр кунлари манзараси, миннатдорлик сўзлари ўрин олган эди.

▶ Давоми 4-бетда



▶ МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.



ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР ЗАМИРИДА

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш каби эзгу ниятлар муҳассам

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳаси хорижий давлатларда яшаётган ватандошларимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Улар қонун лойиҳаси муҳокамасида ҳар бир ватандош фаол иштирок этиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб, кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳада юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдирмоқда.

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР
ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

Шарипова Махлиё Эсан қизи — “Навоий-азот” акциядорлик жамиятининг Поливинилхлорид ишлаб чиқариш, каустик сода ва метанол мажмуаси цех смена муҳандиси, Навоий вилояти

Исақова Моҳидил Хусанбой қизи — Уйчи туманидаги “Asmus Gold Mega Textile” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, Наманган вилояти

Раҳимжанов Достонбек Улуғбек ўғли — Наманган шаҳридаги “Innovation Language Centre” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Наманган вилояти

Омонова Нилуфар Жўрабек қизи — Самарқанд шаҳридаги “MIT IT academy” масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

Темуров Анвар Ибодулло ўғли — Урганч туманидаги “Sam-Negin” масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

Анваров Ойбек Тўлқинжонович — “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки дирекцияси — IT Park” масъулияти чекланган жамиятининг Сирдарё вилояти филиали бошлиғи

Бўронова Дилсора Шарифжон қизи — Ховос туманидаги “Textile Fashion” масъулияти чекланган жамиятининг тикув цехи устаси, Сирдарё вилояти

Собирова Назоқат Рашид қизи — “Хунар-манд” уюшмасининг Бойсун тумани бўлими аъзоси, җилмадўз, Сурхондарё вилояти

Хушбоқ Улуғбек Баҳром ўғли — Қизирик туманидаги “Жануб тони диёри” фермер хўжалиғи бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Махсимова Рисолат Қосимжон қизи — Паркент туманидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси, Тошкент вилояти

Турсунбоева Зухра Ботир қизи — Бўстонлик туманидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактабининг академик хонандалик бўйича ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Аҳаммедова Шабнам Ёвсинзода — Сўх туманидаги “Happy kids academy” нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Фарғона вилояти

Убайдуллаева Зарнигор Ҳасанбой қизи — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси ахборот ва медиа хизмати бўйича мутахассиси **Аллаберганова Шаҳноза Аллаберган қизи**

— Урганч давлат университетининг 2-босқич талабаси, Хоразм вилояти

Маткаримов Раҳматжон Жуманазарович — Ҳазорасп туманидаги “Нур Муҳаммад Ислам овод” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Рузмахамедова Ходжия Шоқир қизи — Опмазор туманидаги 102-заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг эшитиш гидроки фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри **Умурзаков Ислам Илхом ўғли** — Тошкент шаҳридаги “Ёш мактабчилар” ансамбли бадий раҳбари

Абдикаримов Канат Алимжанович — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг PR-маркази етакчи мутахассиси

Авазова Севинч Пулат қизи — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 4-босқич талабаси

Амиров Элмурод Мансуриддин ўғли — Геология фанлари университетининг Геология ва геофизика институти минералогия лабораторияси бошлиғи

Бўтахонов Зиёдулла Зойиржон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги мутахассиси

Ғуломов Ахмаджон Шавкат ўғли — “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг

Учувчилар хизмати департаменти А-320 ҳаво кемаши командири

Дадабоев Дилшод Абдуҷалил ўғли — Ижтимоий тармоқлардаги “Uzbekistan official” саҳифалари администратори, блогер

Евстафеев Евгений Александрович — И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали 4-босқич талабаси

Жалолиддинов Жасурбек Жамшид ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси (U-23) сардори

Иминохонов Нуриддин Абдуқоҳорович — “EPAM Systems” компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маҳсулотлар менежери

Нематзода Фирдавс Нематович — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ёшлар академияси фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Норчаев Хусан Тўрақул ўғли — Футбол

бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси (U-23) аъзоси

Рузиев Бекзод Дилмуродович — “Боштранслэйх” акциядорлик жамиятининг меъмор-қурилиш бўлими лойиҳалар бош муҳандиси

Сафаров Акмал Умар ўғли — Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш шўъбаси бош мутахассиси

Турғунбоев Шахзод Нодир ўғли — Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Жанубий Қореедаги вакили

Хасанова Ёқутхон Баҳодиржон қизи — М.Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли раққосаси

Ходжаева Шахло Муродовна — Америка Қўшма Штатларининг “Amazon” компанияси бизнес таҳлил бўйича муҳандиси

Эркинов Ҳожибот Ботир ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси (U-23) аъзоси

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2022 йил 29 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 28 июндаги ПҚ–297-сон қарорига илова“Мара ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганлар
РЎЙХАТИ

Калбаев Арисланбек Базарбаевич — Нукус шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Мамутов Шерзод Азаматович — Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Абдурахмонов Акмалжон Юнусбек ўғли — Андижон шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабининг 10-синф ўқувчиси (Андижон вилояти)

Муҳаммаджонов Хожиакбар Зафаржон ўғли — Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)

Қўшаев Шариф Эргашевич — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ катта мутахассиси (Бухоро вилояти)

Ражаббоев Лазизбек Зафаржонович — Қорақўл туманидаги Халқаро математика мактабининг 11-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

Раҳматов Муроджон Абдусамат ўғли — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

Рашидов Учқун Рўзимурод ўғли — Жиззах шаҳридаги “Eagle Consulting Invest” масъулияти чекланган жамияти директори (Жиззах вилояти)

Қобилов Жўрабек Мусурмон ўғли — Қашқадарё вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими кўтарувчиси (Қашқадарё вилояти)

Раҳматов Анвар Раҳмат ўғли — Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг 4-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Бабаев Мирдодожон Шарофжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Навоий бўлими таянч докторанти (Навоий вилояти)

Қурбон Ойбек Муҳаммадқулович — Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университетининг кончилик факультети ўқитувчиси (Навоий вилояти)

Мамадалиев Комрон Улуғбек ўғли — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Мирзаумидов Асилбек Шухратжонович — Наманган муҳандислик-технология институтининг технологик машина ва жиҳозлар кафедраси катта ўқитувчиси (Наманган вилояти)

Нурмаматов Аслиддин Фазлиддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ командири ўринбосари (Самарқанд вилояти)

Самадов Азиз Илхомович — Самарқанд шаҳридаги “Secure Trucks” масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Самарқанд вилояти)

Мусирмонов Турсунмурод Баҳодир ўғли — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий

рассомлик ва дизайн институтининг 4-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Хайитбоев Ёрқинжон Урмонли ўғли — Гулистон давлат университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Абдурахмонов Абдумалик Абдуманом ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси (Сурхондарё вилояти)

Тожиёв Дилмурод Баҳодир ўғли — Тошкент давлат аграр университетининг 2-босқич магистранти (Сурхондарё вилояти)

Абдураимов Елнур Нурғалиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий ишлатмачиси (Тошкент вилояти)

Турдыев Алишер Ғулом ўғли — Нурафшон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг академик эшак эшиш бўйича мураббийси (Тошкент вилояти)

Исмоилов Улуғбек Илхомжон ўғли —

Тошкент тиббиёт академиясининг 1-босқич магистранти (Фарғона вилояти)

Қаюмов Муҳаммадлазиз Иброҳимжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси (Фарғона вилояти)

Абдикаримов Фахриддин Баҳром ўғли — Хоразм Маъмур академиясининг таянч докторанти (Хоразм вилояти)

Сабиров Шахзод Қудрат ўғли — Урганч шаҳридаги “Data Union” масъулияти чекланган жамияти директори (Хоразм вилояти)

Жамолов Азимжон Раваҳан ўғли — Тошкент шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Стеценко Никита Андреевич — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 4-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

ЭЪТИРОФ

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ КЎЗ ҚОРАЧИГИ

Ислам ҳамкорлик ташкилоти вазирлар кенгаши сессиясида
Хива шаҳри 2024 йилда Ислам дунёсининг туризм
пойтахти бўлиши эълон қилинди

Хоразмга келсангиз, Буюк ипак йўлининг марказий шаҳарларидан бири бўлиши Хива, хусусан, Ичанқалъага бормай иложингиз йўқ. Қадимда савдо қарвонлари учун катта аҳамиятга эга бўлган шаҳар диний, маданий ва илмий марказ вазифасини ҳам ўтаган. 2500 йил аввал Қорақум чўли ўртасида қад ростилаган, қадимий цивилизация ўчоғи ҳисобланган Хива тарихда Буюк ипак йўлидаги давлатларнинг кўз қорачиғи бўлган.



Хушхабарнинг қаноти бор: куни кеча Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Боку шаҳрида ўтган XI сессияси доирасида илк бор Ўзбекистон шаҳарларидан бири Хива 2024 йилда Ислам дунёсининг туризм пойтахти деб эълон қилингани ҳақидаги хабар бир зумда жаҳон ОАВ саҳифаларидан жой олди.

Хива шаҳри номзоди Президентимиз раҳбарлигида кечаётган ислохотлар, жумладан, туризм соҳасини ривожлантириш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш, муҳаддас қадамжоларни овод

қилиш, ажодларимиз маънавий меросини урғаниш ва тарғиб этиш борасидаги ишлар ва бунинг эътирофи сифатида БААнинг Абу-Даби, Туркиянинг Шанлиурфа, Нигериянинг Лагос, Тожикистоннинг Душанбе шаҳарлари орасида голиб деб топилди.

Сунги йилда номзод шаҳарлар ўртасида голиблик учун шиддатли кураш кузатилиди. Шунга қарамай, Ўзбекистон томони саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, Хива шаҳри ушбу мақомни олишга эришди.

— Бу борада Туризм ва маданий мерос вазирлиги 2019 йилдан буён тизимли равишда иш олиб борди. — дейди вазирлик Халқаро алоқалар ва грантларни жалб этиш бошқармаси бошлиғи Феруз Додиев. — Хива шаҳри номзоди киритилиб, ИХТга аъзо давлатларнинг туристик маъмурияти раҳбарлари билан онлайн учрашув, музокаралар ўтказилди. Хива шаҳри ва Ўзбекистоннинг ислом дунёсида тутган ўрни, мамлакатимизнинг ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида туризм алоқаларини кучайтириш бўйича саъй-ҳаракатлари ва келгуси режалари тўғрисида батафсил маълумот етказилди.

Боку сессияси давомида Ислам ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор, бу борадаги очиклик сиёсати, виза режимининг соддалаштирилиши, маданий меросни сақлаш, тарихий шаҳарларни ободонлаштириш каби кўплаб ислохотларни эътироф этди.

Хиванинг тарихий қиёфаси тикланиши, реставрация ва консервацияга оид амалга оширилган ишлар, қолаверса, электр устунларнинг демонтаж қилингани, сайёҳларнинг катта оқимини қабул қилиш учун яратилган шароитлар, инфратузилманинг яхшиланиши, 5 юлдузли меҳмонхона ҳамда бутик-отел ва хостеллар қурилиши фаол давом этаётгани алоҳида қайд этилди. Бундан ташқари, туризм ва унга ёндош соҳалар тadbиркорлари учун яратилган қулай шароитлар юқори баҳоланди.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

НУҚТАИ НАЗАР

Президентимиз раислигида шу йил 23 июнь куни электр энергетикаси корхоналари фаолиятини трансформация қилиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда соҳага рақобатли бозор механизмининг олиб кириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Маълумки, мамлакатимизда сўнгги йилларда “Инсон кадри учун” гоёси асосида амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ, худудларда ишлаб чиқариш ривожланмоқда, аҳоли фаровонлиги ортапти. Бу ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг электр энергиясига бўлган талаби ўсиб боришига замин яратмоқда.

РАҚОБАТЛИ БОЗОРГА ЎТИШ
энергетика соҳасида шаффоф муҳитни
яратишга хизмат қилади

Шерзод ХЎЖАЕВ,
энергетика вазирининг ўринбосари:
— Энергоресурсларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қаноатлантириш мақсадида юртимиз ёқилғи-энергетика тармоғи модернизация қилинмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 мартдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегиясига мувофиқ, собиқ “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти негизида электр энергияси ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва сотиш бўйича 3 та алоҳида тузилма ташкил этилди. 7 миллион истеъмолчи Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишининг автоматлаштирилган тизимига уланиб, тўловларни ундириш 100 фоиз таъминланмоқда. Генерация соҳасида жами 7 миллиард долларлик 19 та қуёш, шамол ва иссиқлик электр станциялари қуриш бўйича лойиҳаларга хорижий инвесторлар жалб қилинди.

Утган 5 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича яратилган янги қувватлар ҳажми 5 минг мегаваттдан ошиб, олдинги 25 йилга нисбатан 1,5 баробар ортиқ энергияни ташкил қилади.

Дадажон ИСАҚУЛОВ,
“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси:
— Йиғилишда соҳага рақобатли бозор механизмининг олиб кириш жараёнида янада харид қилувчи вазифасини “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖдан ажратилиш, ушбу вазифани бажариш учун алоҳида ташкилот ташкил этиш, ташкилотимизнинг фақат электр энергиясини етказиб бериш ва транспортировка билан шугулланиши масаласи қўриб чиқилди.

Бугунги кунда Акциядорлик жамияти-ми ташкилотида 14 та ҳудудий магистрал электр тармоқлари, марказий реле-ҳимояси ва автоматика хизмати, лойиҳалаштирувчи, қурилиш ва бошқа хизматлар кўрсатувчи функционал филиаллар,

шунингдек, жамиятга қарашли 85 та подстанция ва 11 минг 400 километрдан ортиқ 220-500 кВли магистрал ҳаво электр узатиш линиялари мавжуд. Тизимда 4 минг 300 нафарга яқин мутахассис-ҳодимлар фаолият юритиб келмоқда.

2021 йилда бу борада энергетика компанияларида халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисобот тайёрлаш тизимини тўлиқ жорий этиш бўйича “Ernst & Young” LLC аудиторлик ташкилоти билан шартнома имзоланди. 2019-2020 йиллар учун жамиятимиз молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ, тўлиқ аудиторлик текширувидан ўтказилди ва ижобий хулоса олинди.

Жорий йилда ҳам тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича ўз олдимизга

Йиғилишда Президентимизга Энергетика, Молия, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари томонидан хорижий экспертлар, халқаро молия институтлари мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланган рақобатли бозорга ўтиш концепцияси тақдимот қилинди. Унга кўра, 4 босқичда улгуржи ва рақобатли чакана электр энергияси бозори яратилиши кўзда тутилган.

Тақдимотда ҳар бир босқич бўйича қўйилган талаб ва шартлар қўриб чиқилиб, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида қўшимча вазифалар белгиланди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ, эндиликда соҳага кириб келаётган янги инвесторлар билгилари лицензия асосида фаолият юритишини йўлга қўйиш тизимига рухсат берилди.

Ҳар бир инвестор мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларга ишонини билан бир қаторда, энергетика бозорига шаффофлик, эркин рақобат борлиғига амин бўлиши керак. Йиғилишда шунга мувофиқ, тизимдаги барча операция, тўловлар электрон платформа орқали, инсон омиллини камайитириш ҳолда амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди.

бир қатор вазифаларни белгилаб олганмиз. Энергия тежамкорлигини янада ошириш, соҳага оид бўлган фаолият турларини аутсорсингга бериш, рақамлаштириш ва рақамли трансформацияни амалга ошириш, автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви тизими (SCADA EMS/ RTU)ни жорий этиш бўйича ишларни жадаллаштириш, ресурсларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими (ERP)ни яратиш устида ишлаш, ходимлар иш самарадорлигини баҳолашнинг КРП тизимини жорий этиш каби вазифалар шулар жумласидан.

2026 ва 2030 йилларгача тизим фаолиятини ривожлантириш бўйича аниқ дастурларимиз бор. Тақдимотда ундаги вазифалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли вазифалар белгилаб берилди.

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕК БРЕНДИ ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

Тармоқни ривожлантириш учун кўрилган чора-тадбирлар



Одил ОЛИМЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва илмий ходими, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бошланғичи 1-бетда

Жорий йил 28 июнь кунин Президентимиз раислигида ўтказилган пахтачилик ва тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида қатор долзарб масалалар қаторида пахтани чуқур қайта ишлаб, соҳа экспортини камда икки баробарга кўпайтириш вазифаси ҳам кун тартибига кўйилди.

Мамлакатимизда 2016 йилдан бошланган янги даврда тўқимачилик саноати шиддатли ривожланиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг драйверларидан бирига

айланди. Бунинг тамал тоши Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қўйилди. Қисқа фурсатларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж (кейинги ўринларда тўқимачилик) саноатини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий база ва қулай шароитлар яратилди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган улкан чора-тадбирлар ичида ҳам пахта толасини чуқур қайта ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон дунёдаги энг кўп пахта етиштирадиган ва экспорт қиладиган давлатлар қаторига кирса-да, шўролар даврида мамлакатимизда пахтанинг бор-йўғи 8 фоизи қайта ишланарди, ҳолос. Ҳолбуки, пахта толасини чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот шаклида бозорга чиқариш уни тола ва ип-газлама сифатида сотишга қараганда бир неча баробар кўпроқ фойда келтиради.

Шу боис, пахта толасини ўзимизда чуқур қайта ишлаш, ундан сифатли, арзон ва харидорғир тайёр товарлар ишлаб чиқариш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, 2016 йил 21 декабрда Президентимиз "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорни имзолади. Мазкур қарор тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғи ривожига янги даврни бошлаб берди. Унда тармоқни модернизация ва диверсификация қилиш асосида жадал ривожлантириш, пахта толаси ва ипак хомашёсини чуқур қайта ишлашни таъминлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кескин ошириш бўйича улкан вазифалар қўйилди. Қарорда корхоналарга имтиёзли кредит,

солиқ ва божхона имтиёзлари, преференциялари бериш, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи тўлаш, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш каби чоралар белгиланди.

Президентимизнинг 2017 йил 14 декабрдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди. Унда тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишдан воз кечиб, хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, у билан ички бозор эҳтиёжларини тўла таъминлаш ва хорижга экспорт қилиш ҳажмини кескин ошириш вазифалари янада аниқлаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 16 сентябрдаги "Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида ҳамда пандемия пайтида қабул қилинган қатор ҳужжатларда тармоқни янада ривожлантиришнинг қўшимча чоралари белгиланди, ишлаб чиқарувчиларга солиқ, бож, кредит имтиёзлари ва преференциялари бериш янада кенгайтирилди, тайёр маҳсулот экспортини қўллаб-қувватлаш учун ташкилотлар экспорт қилган маҳсулотни қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди.

Шиддатли ўсишга асос бўлди

Тўқимачилик саноатини ривожлантириш борасида давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар 2016-2021 йилларда тўқимачилик саноатининг шиддатли ўсишига асос бўлди. Шу вақт мобайнида тармоқда 350 та йirik замонавий корхона ишга туширилди. Янгидан ташкил этилган кичик корхона ва цехлар бундан бир неча баробар кўп. Умуман олганда, бугун тўқимачилик соҳасида 7,3 мингдан кўп мустақил ҳўжалик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" дастурлари орқали минглаб оилалар тикув машиналари билан таъминланди ва иш бошлади. Чекка-чекка қишлоқларда фабрикаларнинг буюртмалари билан уйларида кийим тикаётган

ёки ўзлари мустақил ишлаётган тикувчилар ҳам жуда кўп ва уларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Масалан, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида ташкил этилган "SARAZAR" фабрикаси олис қишлоқларда ўнлаб оилаларга уйда кийим тикиш шароитини яратиб берди. Бундан ҳар иккала томон манфаат кўрмоқда. Бундай мисоллар жуда кўп.

Пахта етиштириш ва уни қайта ишлашнинг кластер тизими йўлга қўйилди. Бугун 121 та пахта-тўқимачилик кластери фаолият кўрсатмоқда. Пахта хомашёсининг 100 фоизи улар томонидан етиштирилади. Кластерларни қўллаб-қувватлаш учун сўнгги уч йилда 23 триллион сўм имтиёзли маблағ ажратилди.

Натижада сўнгги йилларда мамлакатимиз тўқимачилик саноатида миқдор ва сифат ўзгаришлари юз берди. Шу вақт мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5 баробардан кўпроққа ошди.


2016-2021 йилларда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши

T/p	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2016 йилга нисбатан ўсиш, %
	Ишлаб чиқариш	триллион сўм	12,7	22,9	32,6	39,1	44,1	64,8	510,2
1	Калава ип	минг тонна	367	412	535	635	778	862	234,9
2	Газлама	миллион кв. м.	246	370	492	645	705	716	291,1
3	Трикотаж мато	минг тонна	51	72	123	137	160	204	400,0
4	Тикув-трикотаж маҳсулотлари	миллион дона	304	452	812	1214	1520	1998	657,2
5	Пайпоқ маҳсулотлари	миллион жуфт	51	98	163	232	400	458	898,0

Юқоридаги рақамлар тармоқ калава ип, газлама каби ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан тикув-трикотаж

маҳсулотлари ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга утилаётганидан далолат беради.

Барча қитъаларга экспорт қиляпмиз



Хомашёнинг ҳаммасини ўзимиз қайта ишлаб бошладик

Тўқимачилик саноатининг шиддатли ўсиши билан бир қаторда пахта толасини қайта ишлаш даражаси ҳам орта борди. 2016 йилда юртимизда пахта толасининг 37 фоизи қайта ишланар эди. Президентимиз унинг ҳаммасини ўзимизда қайта ишлаш бўйича берган топшириғи туфайли толанинг тобора кўпроқ қисми ўзимизда тайёр маҳсулот даражасига етказила бошланди. Ва, ниҳоят, 2021 йилда мамлакатимиз тўқимачилик саноатида узок йиллар давомида халқимиз орзу қилган натижага эришдик. **Янги пахта толасининг ҳаммасини ўз юртимизда қайта ишлаш таъминланди!**

Энг яхши барометр — бозор

Халқимизда шаҳар ёки мамлакатнинг аҳолини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорига кириб кўр, деган нақл бор. Мамлакатда муайян ишлаб чиқариш тармоғининг қай даражада ривожланганини ҳам бозор ва дўконларда дарҳол сезиш мумкин. Масалан, 2016 йилгача бўлган даврда дўкон ва бозорларимизда сотилаётган кийим-кечакнинг катта қисми импорт маҳсулотлар эди.

Тўқимачилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бозорлар ўзимизда тикилган кийимлар билан тўла бошлади. Мисолларга мурожаат қиламиз. Мен Буюк ипак йўли метро

бекати ёнидаги маҳаллада яшайман. У ерда кийим-кечак сотадиган ўнлаб дўконлар бор. Аввалги вақтларда савдода кийим тўла, лекин аксарияти хорижийки, уларда ўз маҳсулотларимиз деярли сотилмасди. Кейинроқ дўконларнинг бир четига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сочиқ, катталар ва болалар кийимлари каби оддий маҳсулотлар пайдо бўла бошлади. Улар сифатли ва арзон эди. Шу боис, харидорлар энди ўз маҳсулотларимизни сотиб ола бошлади. Дўкон пештахталарини Ўзбекистон маҳсулотлари билан тўлдиршига ўтди. Дўконларда ўзимизда тикилган бежирим ва

арзон аёллар, эркаклар ва болалар кўйлақлари, костюм-шимлар пайдо бўлди.

2014-2019 йиллар Олой бозори ҳудудида жойлашган идорада ишлаганимда худди шундай ҳодиса у ердаги дўконларда ҳам юз берганини кўрдим. 2016 йилгача бўлган даврда Олой бозорига фақатгина 2 қаватли гўшт комплексидаги битта дўкон ва бозорнинг гарбий қисмида жойлашган яна битта дўконнинг бир четига ўз кийим-кечагимиз сотиларди. Бу ердаги дўконлар ҳам аста-секин Ўзбекистон маҳсулотлари билан тўла бошлади, бир қатор дўконлар эса фақат ўз маҳсулотларимизни сотишга ўтди.

Шу тариқа Ўзбекистонда тикилган кийим-кечак ўзимизнинг бозорларини эгаллай бошлади. Айни пайтда тўқимачилик саноати гуржираб ривожланиб, ишлаб чиқариш ҳажми тинмасдан ошиб борарди. Шу боис, корхоналар хорижга экспорт қилиш йўллари қидира бошлади. Дастлаб Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия, Украинага кийим-кечак экспорт қилинди. Кейинчалик маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатлар сони ошиб борди.

Бугун баралла айтишимиз мумкинки, аҳолиимизнинг асосий қисми ўзбек тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларини киймоқда. Улар бежиримлиги, қулайлиги ва арзон нархи билан Ўзбекистон бозорларидан импорт маҳсулотларни деярли сиқиб чиқарди.

Айни пайтда тўқимачилик саноати Ўзбекистон иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга тармоққа айланди. Аввало, уни ривожлантириш учун мамлакатимизда етарли хомашё базаси мавжуд. Кичкина жойда тўқимачилик чеҳи барпо этиб, кўп одамни иш билан таъминлаш мумкин. Уни ҳатто уй шароитида ҳам ташкил қилиш қийин эмас. Тайёр маҳсулотни сотиш учун бизга яқин ҳудудларда улкан бозор жойлашган. Мато ёки кийимни узоқ давлатларга ташиш харажатлари ҳам нисбатан арзон. Энг муҳими, халқимизда асрлар мобайнида шаклланган мато тўқиш ва кийим тикиш кўникмаси ва салоҳияти бор.



9 миллиард долларлик маҳсулот

Йиғилишда пахта хомашёси ва ип-калавани қайта ишлашни тизимли ташкил этиш учун Республика комиссияси тузилиши белгиланди. Алоҳида индустриал зоналар ташкил қилиниб, уларда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун барча шароитлар яратиб берилди. Индустриал зоналар бошқарувига чет эл компаниялари жалб этилади. Тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилувчи субъектларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чоралари ҳам белгиланди. Жумладан, экспортёрларни хомашё билан узлуқсиз таъминлаш, айланма маблағлар ажратиш, кредит, божхона ва солиқ бўйича қўшимча имтиёзлар жорий этилади.

Мамлакатимиз тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг барқарор ва шиддатли ривожига давом этади. Тармоқни ривожлантириш дастурида **2025 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 15 миллиард, экспортни эса 7 миллиард АҚШ доллари миқдорига етказиш режалари белгиланган.** Хомашёни чуқур қайта ишлаб, ундан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга янада кўпроқ эътибор берилди. Халқаро бозорда харидорғир бўлган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Сифатни янада ошириш мақса-

дида тўқимачилик соҳасидаги халқаро стандартларга ўтилади.

Тармоқнинг захиралари жуда катта. Йиғилишда таъкидланганидек, **калава ипни тайёр маҳсулотгача қайта ишлаш даражасини 100 фоизга етказса, қўшимча яна 9 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин.** Ишларни тўғри ташкил қилиш орқали тўқимачиликдаги иш ўринларини ҳозирги 400 мингдан 1 миллионга етказиш имконияти яратилади.

Мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислохотлар халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилиб, ўзбек пахтасига бойкот бекор қилинди ҳамда 2021 йил 10 апрелдан Ўзбекистон GSP+ нинг умумий преференциялар схемаси бўйича бенефициар мамлакат сифатида қабул қилинди. GSP+ ривожланаётган мамлакатлар томонидан ривожланган мамлакатларга экспорт қилинадиган товарларга тарифларни тўлиқ бекор қилиш имтиёзини тақдим этади. Бу ҳам ўзбек тўқимачилик маҳсулотларининг экспорти янада ўсишига хизмат қилади. Мазкур чора-тадбирлар натижасида тармоқда ўн минглаб янги иш ўринлари яратилади, унинг халқимиз фаровонлигини ошириш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти ва экспортдаги аҳамияти янада ошади.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ҲАЁТИМНИ ҲАЗГАРТИРГАН КҮН

ТАҚДИРИМГА БЕФАРҚ БЎЛМАГАН МЕҲРИБОН ПРЕЗИДЕНТИМ БОР!

Бошланиши 1-бетда

Катта ислохотлар жараёндамиш. Тахририятда ҳам ҳар кун иш қайнади. Чопа-чоп, югур-югур. Баъзан жамиятдаги воқеа-ҳодисалар, янгиликлар суръати журналистларни ҳам шошириб қўяётгани бор гап. Янги Ўзбекистонда, ҳар бир юрдошимиз ҳаётида бўлаётган яхшиликларни эса ҳаммамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Шундай кунларнинг бирида тахририятимизга Азиза исмли қиз телефон қилди. "Мен ўша, ўтган йили Президентимиз уй совға қилган қиз — Азизаман. Мана шу уйда онам билан бахтиёр яшаётганимизга ҳам бир йил бўлди. Бугун ҳаётимиз тубдан ўзгарган. Катта ишларни бошлаганимиз. Лекин Президентдан уй ва мактуб олганим бир зум бўлса-да, ёдимдан чиққани йўқ. Шундан буён ўтган бир йилда эришган ютуқларимиз ва ҳозир ҳам сўнмаган ҳаяжонимни сизлар билан бўлишмоқчи эдим", деди. У бизни уйига, давлат раҳбарининг қўллаб-қувватлови билан ташкил этилган ишонасига меҳмонга қаққирди. Албатта, биз бу тақлифдан хурсанд бўлдик ва белгиланган кунда Азизанинг уйида эдик...



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

Ҳаётини ҳикоя

— "Тақдирнинг ҳар бир синовида, албатта, ҳикмат бор. Ҳаёт қийинчиликларини инсонни янада кучли қилади. Шубҳасиз, бу синови кунлар ҳам ўтмишга айланади. Шунинг билан, сиз ҳеч қачон ёлғиз эмассиз. Сизнинг тим-солнингизда барча шижоатли ўғил-қизларимизнинг мақсадлари амалга ошиши учун доимо ёрдам қўлини чўзамиз". Президентимизнинг бу сўзлари, мана, бир йилдирки, нафақат қўлоқларим остида жарағлаб менга куч, шижоат ва рағбат беради, балки орзуларимга қанот, ишимга унум, кўнглимга ҳаловат ва таскин бағишлайди. Илгари "Отасиз ўсдим, сунячим йўқ, шунинг учун ҳаёт зарбаларига учраяпман", деб ўқинардим. Энди "Менинг меҳрибон, жонқуяр, тақдиримдан хавотир оладиган Президентим бор. Нафақат менинг, барча Ўзбекистон ёшларининг сунячи, ишончи бўлган давлатимиз раҳбари ва унинг оқил, одил сўзлари бор", деб сўянаман. Бошланасиз эдим, уйли бўлдим, жамиятда ўз ўрнини топдим. Бунчи бир сўз билан айтиб беришим қийин...

Инсон қадри учун

Мақоламиз қаҳрамони Азиза Самигованинг сўзларини тинглаб эканмиз, Президентимизнинг "Инсон қадри учун" деган тамойил асосидаги ислохоти ҳаётимиз ва фаолиятимиз мезонига

айланганига яна бир бор амин бўламиз. Янги Ўзбекистонимизда сўнги йилларда юритилаётган инсонпарварлик сиёсатининг дунё ҳамжамиятида эътироф этилаётгани нафақат Азиза сингари ёшларимизни, балки барчамизни бирдай қувонтириб, яшашига рағбат беради.

Янги ҳаёт туманида онаси билан яшаётган Азизанинг бошланасиз, илжосиз, имконсиз ўтган йиллари ҳикоясини жон қўлогимиз билан берилиб эшитиб эканмиз, ёшига қизнинг муштдеккина юрагига катта жасорат борлигини, ҳаётнинг залворли ва машаққатли юқини ўз елкасига оғринмай юклаб яшаб келгани ғамгин ҳикояга ўхшарди. Аммо бу ҳаётини ҳикоя эди.

Ёшига қизнинг Сергели туманида 12 йил онаси билан ижарама-ижара сарсон бўлиб яшагани ҳам, баъзан еишига нон, ётишига жой топа олгани ҳам аини ҳақиқат. Зулматли тунларда, ипчонлар, каламушлар макон қилган зах ва қоронгу жойларда юрагини ҳовуқлаб, қўқувдан дийдираб тонг оттирган кунлари ҳам бўрт-тирма ёки лоф эмас.

Кимлардир нонни исроф қилиб ахлат идишларига ташлаётган, дабдабали тўйларда пулларни одамлар боши узра оғринмай сочаётган бир пайтда Азиза ва унинг онаси бир тишлан нон топиш илн-жида не машаққатларни бошидан ўтказмаган дейсиз. Шундай бўлса-да, ҳаётдан нолимаган. Она-бола ҳалол меҳнат машаққатларида қийналиб яшаса-да, шу-роналикни тилидан қўймаган.

Энг асосийси, Адоллатнинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи бўлмаган.

Тўқувчиликми, тикувчиликми, пишириқлар пишириш, деҳқончилик қилиши — ҳаммасини удаллаган ва бу ҳислат Азизага ҳам ўтган.

Азиза болагидан онаси кўрган ситамли кунларни ўз кўзи билан кўриб, ҳаёт қийинчиликларини олдида бош этмай воёга етди. Шу боис, катталардай узоқни ўйлаб фикр юритади. У онаси билан маслаҳатлашиб, бувисининг чорқоқина томорқаси бир бурчагида тирикчилик қилиш, рўзгор горини тўлдирши учун кичик цех ташкил қилади. Аммо етарли маблағи йўқлиги сабабли ишлари ўнганлиб кетавермайди. Шунда ҳам борига қаноат қилиб, арзон гаровга тикиш-бичиш ишларини бошлаб юборади.

Ана шундай эзгин ва ғамгин кунларнинг бирида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган "Ёшлар дафтари" ҳақидаги хабарни эшитиб қолади ва ўзлари яшайдиган маҳалла идорасига умид билан боради. Уларнинг яшаш шароитини, турмуш тарзини яхши билган маҳалла раиси Азизани "Ёшлар дафтари"га, онасини "Аёллар дафтари"га киритади. Шундан сўнг улар ўзларига ажратилган имтиёзли кредит эвазига ўрта замоний тикув машинаси сотиб олди. Ишлари юришиб, буюртмалар олиб, иш бошлади.

Умид учкунлари мийлтиллаб ёнаётган фараҳбахш кунларнинг бирида Азизанин оруз-уйлари ва фикрлари ҳақидаги видеоларда қийналиб яшаса-да, шу-роналикни тилидан қўймаган.

Энг асосийси, Адоллатнинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи бўлмаган.

Давлат раҳбарининг оталарча ғамхўрлиги ва меҳри билан Азизага Янгиҳаёт тумани "Янги Чоштепа" маҳалласида бунёд этилган замоний турар жойдан Президент совғаси — 3 хонали уй берилди. Ана шундан сўнг она-бола ҳаётида қувончга тўла файзли ва мазмунли ҳаёт бошланди. Гўё эртақдаги афсона кўз олдида содир бўлаётгандек. Азизанинг ҳаётига шодликлар гулдастаси пойандоз бўлиб тўшалаётгандай туюлади. Кўзларида қувонч учкунлари порлаб, дунёларга сиймай кетгандай бўлади. Ахир бундай бахт ҳаммага насиб этавермайди-да.

Вақтнинг тез ўтишини қаранг, шунга ҳам бир йил бўлибди...

— Худди кечагидай ёдимда, менга уй калитини Президентимиз жамоасидан бир гуруҳ масъул кишилар энг илик тилкларини изхор этган ҳолда топширган.

Бу воқеа кўнглимни ёритиб, юрагимга қувват берган чоғ ана бир мўъжиза рўй берди ва бу мен учун ҳаётимдаги энг катта ва қадрили совға бўлиб қолди. Бу — Президентимизнинг менга йўллаган мактуби эди.

Бу мактубни ва янги уй калитини олгач, дунё кўзимга шунчалар чиройли кўрингандими, осмонда уяётгандай тасаввурда эдим, ҳаяжондан тилларим калимага келмади, — дейди Азиза гуруҳ ва фахр билан.

Ўша кундан Азизанинг ҳаётида туб бурилиш ясалди. Сокин ўйлари тарқаб, юзида майин табассум ва ҳаётга ишонч пайдо бўлди.

Аслида болагидан унинг азобли кунлари кўп ва хўп бўлган. Дарслардан чиқа солиб онасига ёрдам бериш учун шошиб келадиган қизчанинг кўпинча чоғ юриши, баъзида гуруҳ ва макорон қайнаиб ёи-иши ҳозир афсонага айланган. Бугунги саодатли ва ёруғ кунларда ўзини эмас, ўзи сингари қийналган ёшларга оз бўлса ҳам кўмак бериш учун ҳаракат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари топшириғи билан берилган кредит эвазига замоний тикув машиналари сотиб олинган. Бугун бувисининг ҳовлисидида эски цех замоний жиҳозланиб, янги қиёфа касб этган. Ҳозир бу жой ёшлар билан ғажув. У фаолиятини йўлга қўйган Азиза онаси билан махсус кийим-кечак ва бошқа турдаги махсуслотлар ишлаб чиқармоқда. Келгусида цех фаолиятини янада кенгайтириб, шу орқали "Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари"га киритилган фуқароларни иш билан таъминлаш, ёш қизларга тикувчилик сирасорларини ўргатишни мақсад қилган.

— Биласизми, баъзан кўзларимни юмиб, ўтиб кетган йилларим машаққатини кўз олдимга келтириб, "Наҳотки, мендек оддийгина бир қизга Президентимиз уй совға қилди. Камига яна менга мактуб ҳам йўллади", дея қайта-қайта гуруҳланаман. Тўғриси, бошимга кўнган бахт қуши ҳар бир ўзбек қизига насиб қилишини чин дилдан эстаб кийман. Мен энг бахтли қизман! Шу муқаддас она Ватанимизга керакли

фарзандман. Бугун эса қўлларимни кўксимга қўйиб, меҳрибон Президентим Шавкат Мирзиёевга яна бир бор раҳмат айтаман. Онам кўрган зулматли тунларга ёруғлик олиб киргани, менинг ҳаётимга фараҳбахш гўзал кунларни ҳаёта этгани учун бир умр дуо қиламан.

Бугун энг бахтли онаман

— Инсон қадр топанг юрда яшап-миш, — дейди Азизанинг онаси Адолатхон майин табассум билан. — Бунинг ёрқин мисоли мана — биз. Шавкат Мирзиёев Президент бўлганидан сўнггина мен каби овораю сарсонларнинг елкасига шамол теғди. На уйимиз, на тайинли ишимиз бўлмай абгор яшаган кунларимда не-не корхоналарга бош уриб борганимиз. Аммо садо чикмаган. Узимни эмас, қизимни ўйлардим. Болаимнинг ўқисик дилини, чўккан руҳиятини қандай кутарсам экан, дея бошим қотарди. Мана, ҳаммаси ортда қолди, гўё тушга айланди. Бугун энг бахтли онаман. Илоҳим, давлатимиз раҳбарининг умри узоқ, бошлаган ишлари бардавом бўлсин!

Президентимиз берган ишонч ва рағбат Азиза ҳамда онасининг кунларига мазмун, ишига шижоат бахш этди. Аини пайтда улар кечаю кундуз меҳнат қил-япти, чарчашни билмайди. Азиза дизайн соҳасининг моҳир устаси бўлмоқчи. Аини дамда она ва болаининг бир қанча шогирдлари бор. Энг қувончлики, бугун улар маҳалладаги ёшлар учун бепул тўқувчилик курси ташкил этган. Азиза ишлари янада юришиб кетса, ўзи каби қийналган ёшларга доим кўмаклашишни, онаси эса уйсиз юрганларга, ҳеч бўлмаса, биринчи тўловини тўлаб беришни астойдил ният қилган.

Бугун улар ўз махсуслотларини ички бозорга тарқатмоқда. Қийим мато бўлакларидан ҳам санъат асарига ўхшаган ғаройиб ёстиқчалар тикмоқда ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга совға қилапти. Бир сўз билан айтганда, маҳалларинг фаол аъзоси ва кичик ғамхўрига айлиниб улгурган. Ишлари, ниятлари ва ҳатто ҳаёлирида ҳам фақат одамларга яхшилик қилиш, меҳр ва муруват кўрсатишни ўйлайди.

— Президентим билдирган ишонч, рағбатини ўзимнинг меҳнатим, иқтидорим билан оқлашми ва мажоб беришим керак. Бу менинг фарзандлик бурчим, — дейди Азиза.

Дарҳақиқат, бугун инсон қадр-қиммати тобора юксалиб бормоқда. Очиқлик ҳамда шаффофликка асосланган, аҳолининг кам таъминланган қатламлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар бардавом бўляпти.

Энг асосийси, ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий ислохотлар шунчаки хў-жақурилиш эмас, ақсична, халқимиз кўз унгида очик ва ошқора бўлаётгани аини ҳақиқат. Президентимизнинг "Ҳар қандай ислохот куруқ рақамларда эмас, балки, энг аввало, аҳолининг кундалик ҳаётида, унинг дастурхони ва рўзгорида ўз ақсини топиши зарур", деган турмушно гапининг ҳаётини ифодасини халқимиз, Азиза Самигова сингари ёшлар мисолида ўз кўзимиз билан кўряптимиз ва жараёнлар-ни қалбдан ҳис қилляптимиз.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР

Конституциявий ислохотларнинг кенг омма муҳокамасига қўйилиши ва халқнинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда, рағбат учун орқали қўлдан қилиш тақлиф этилгани Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини Ватан олдидаги бурч ва мажбуриятларига бефарқ бўлмастикка чорлайди.

Бошланиши 1-бетда

Шоҳзод Тоҳиров, Беркли университети профессори (АҚШ, Калифорния):

— Башарият технология трансформация жараёнларида дадиллик билан одимлар экан, бунинг учун тегишли қонунлар ва ҳуқуқий асос ҳам мутаносиб бўлиши лозим.



Конституция халқ билан ҳукумат ўртасидаги консенсус асосидаги келишув ҳужжати бўлиб, барчани уни тақомиллаштириш ишига фаол қатнашишга чақираман.

Ўзбекистон Президенти томонидан янги Конституция лойиҳаси бўйича илгари сурилган тақлифлар билан танишиб чиқар эканман, беихтиёр чўкур ҳис қилдимки, аинан шу қўшимчалар сабабли ҳам конституциявий ислохотлар ўтказиш зарурати мавжуд.

Бош қонунимиз лойиҳасидаги инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлосиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи, сўзсиз, энг олий қадриятлардир. Мамлакат тараққиёти учун фақатгина иқтисодий ислохотлар етарли эмаслигини ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ мисолида кўриб турибмиз.

Ўзбекистон ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқлари масалалари бениҳоя муҳим ва эътибор-талаб соҳа экани шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ КАБИ ЭЗГУ НИЯТЛАР МУЖАССАМ

Агар янги Конституция лойиҳасига тақлиф этилган ўзгаришлар халқ референдумида тасдиқланиб, қабул қилинса ҳамда ҳаётга татбиқ этилса, бу жараён Ўзбекистоннинг жадал ривожланиши йўлида қўйилган муҳим тарихий қадамлардан бири бўлади, деб баҳолаш мумкин.

Жасур Ражабов, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) қотибасининг туризм департаменти директори:

— Ҳар бир давлат тараққиётининг муайян босқичида Бош қонунини замон талаби ва халқ эҳтиёжидан келиб чиқиб ўзгариши эки унга қўшимчалар киритиши мумкин. Ривожланган мамлакатлар Конституциялари ҳам халқ иродаси ва талаби билан бир неча бор ўзгарган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги кенг қўламли ислохотлар ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларини қамраб олди ҳамда ҳар бир соҳага янги ёндашув ва янгича руҳ олиб кирмоқда. Шу маънода, Бош қонунимизга ўзгариш киритиш замон талаби деб ўйлайман ва мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлайман.

Матбуотда эълон қилинган тақлифларни кўриб чиқар эканман, ҳуқуқшунос бўлганим тўғрйли бир тақлиф эътиборимни тортиди. Унга кўра, Ўзбекистоннинг сайлов ҳуқуқига эга бўлган 100 минг нафардан кам бўлганлар фуқароси қонунчиликка оид тақлифларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибиде киритишга ҳақли. Ушбу тақлиф, башарти қабул қилинган тақдирда, шубҳасиз, фуқароларимизнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтиради ҳамда жамият талаб ва эҳтиёжларига жаов берадиган халқчил қонунлар қабул қилинишига кўмаклашади, деб ўйлайман. Бундан ташқари, мазкур ташаббус жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Яна бир жиҳат. Янгилаётган Конституция-мизда Ўзбекистон барча давлатлар, хусусан, яқин қўшниларимиз билан алоқаларда тинчликпарвар ва дўстона сиёсат юритиши янги норма сифатида киритилмоқда. Бу эса Президентимиз томонидан илгари сурилган ва бутун дунё ҳамжамияти томонидан илиқ қутиб олинган ташқи сиёсатимиз усту-ру йўналишларининг ҳуқуқий асосларини Бош қонунимизда яна бир бор мустаҳкамлаб қўяди.

Ташқи сиёсат тўғрисидаги қонунда киритилаётган қўшимча, яъни давлат ташқи сиёсатини юритишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги каби умумэътироф этилган тамойилларга асосланиши бугунги шиддатли, тез ўзгарувчан даврда жуда муҳим ҳисобланади.

Фаррух Кўшназаров, "Алибаба Групп" компанияси ходими (Хитой):

— Давлатимиз раҳбарининг 20 июнь кунин Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда Асосий қонунга ўзгариш киритиш бўйича билдирган тақлифлари билан батафсил танишиб чиқдим. Улар қонун лойиҳасидан ўрин олгани мени жуда хурсанд қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти учун қўлай шароитлар яратилмоқда. Бу мамлакатимиз тадбиркорларига ҳар қандай йўналишда бизнес юритиш, ўз даромадларини ошириш имкониятини бермоқда.

Давлат хусусий бизнес ва, умуман, иқтисодиётни ривожлантириш учун технологик ва инвестиция шароитларини таъминлаш бўйича кенг чораларни амалга оширяпти. Ушбу ислохотлар чет элдан инвестициялар кириб келишини ҳам рағбатлантиряпти.

Давлатимиз раҳбарининг "Бош қонунимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий қарорларни кучайтириш лозим. Токи, катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир тад-

биркор доимо давлат, Конституция, қонунлар ҳамда Президент ҳимоясида эканини амалда ҳис қилиш", деган фикрлари нафақат мамлакатимиздаги тадбиркор ва ишбилармонларга, балки хорижий инвесторларга ҳам ўз бизнесини аинан Ўзбекистонда ривожлантириши учун катта рағбатдир.

Ўзбекистондаги конституциявий ислохотлар замирида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини юксалтириш ҳамда мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш каби эзгу ниятлар муҳассам.

Конституциямизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар инсон қадрини улуглаш ғоясига хизмат қилиши, халқимиз фаровонлигини ошириш ва мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига замин яратади, деб ўйлайман.

Жамоля Сотибодиева, Жомия Миллия Исломия университети аспиранти (Ҳиндистон):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувдаги нутқи ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган конституциявий қонун лойиҳаси билан яқиндан танишиб чиқдим. Комиссияга келиб тушган тақлиф-мулоҳазалар ва давлатимиз раҳбарини томонидан эътироф этилган ҳар бир йўналиш мамлакатимиз тараққиёти ва истиқболи учун ўта муҳимдир.

Хусусан, ижтимоий соҳадаги масалаларни ҳал этишга қаратилган тақлифлар алоҳида эътиборга лойик. Оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кўп болали оилаларга имтиёзлар бериш, бола манфаатларини таъминлаш, ёшлар таълимини юксалтириш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш каби ислохотлар ёрқин келажак учун қўйилаётган муҳим қадамдир.

Ҳозир конституциявий қонун лойиҳаси умум-халқ муҳокамасидан ўтмоқда. Қонун лойиҳасига

кўра, Асосий қонунимизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгариш киритиш назарда тутилмоқда. Бу тақлиф ва ўзгаришларнинг ақсарияти кундалик ҳаётимиз, мамлакатимизнинг келажаги билан боғлиқ барча долзарб жиҳатларни қамраб олган.

Қолаверса, конституциявий ислохотларнинг кенг омма муҳокамасига қўйилиши ва халқнинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда, референдум орқали қабул қилиш тақлиф этилгани Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини Ватан олдидаги бурч ва мажбуриятларига бефарқ бўлмастикка чорлайди.

Мен бугунги кунда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларни юртимиз тараққиётида муҳим ўрин тутувчи тарихий жараён, деб ҳисоблайман ҳамда бу жараёнлар фарзандларимиз келажаги учун мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилишига ишонаман.

Ботиржон Раҳимов, "PT Aksi Visitama" компанияси молиявий маслаҳатчиси (Индонезия):

— Аввало, халқимиз фаровонлиги йўлидаги унган янгиликлар даврида Асосий қонунимизни тақомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотларни тўлақонли қўллаб-қувватлашимиз таъкидламоқчиман.

Амалдаги конституция-миз қабул қилинганидан бери жамиятимизнинг фикрлаши ва дунёқараши тубдан ўзгарган, инсоният илмий-технологик даврга қадам қўйган ҳамда жаҳонда кескин трансформация жараёнлари ва рақобат кучайиб бораётган бир даврда Ватанимиз ва фарзандларимиз келажаги тўғрисида ҳозирдан қайғуриш энг устувор вазифалардан, деб ҳисоблайман.

Президентимизнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва унинг қафолатлари аинан Конституция тараққисиде мустаҳкамланиши зарурлиги тўғрисидаги фикри ҳамда Асосий қонунимизда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойилини мустаҳкамлаш бўйича тақлифини Ўзбекистон фуқароси сифатида жуда муҳим, деб биламан.

Хорижда истиқомат қилаётган ўзбекистонлик сифатида айта оламани, сўнги йилларда давлатимиз томонидан бизга кўрсатилаётган муносабат бутунлай ўзгарди. Хусусан, мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ушбу катта жараёнда хориждаги ватандошлар фикр-мулоҳазалари инобатга олинаётганининг ўзи бизга улкан манмуният бағишлайди. Конституциявий ислохотларга ҳиссамизни қўшиш имконияти берилганидан миннатдоримиз.

"Дунё" АА

30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ

ТАРАҚҚИЁТГА ТАЯНЧ, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

“Мавжуд имтиёз ва имкониятлардан ҳамма ёшлар тенг фойдаланиши учун “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастури” амалга ошириляпти. Мазкур дафтар орқали кўрсатиладиган ёрдам тури 11 тадан 25 тага етказилди. Ўн уч йўналишдаги имтиёзлар ёшлар етакчиларининг тавсияси асосида йигит-қизларга тақдим этилмоқда.



Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги директори

Бошланиши 1-бета

Интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юрtdа амалга ошириладиган ислохотларга дахлдор, серғайрат, ватанпарвар йигит-қизлар мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутлади. Юртимизда бу йил бешинчи марта нишонланадиган Ёшлар куни мана шундай навқирон авлод вакиллари билан ташаббус ва ғояларини рўёбга чиқаришда ўзига хос рағбатлантирувчи механизм вазиёсини ўтапти.

Назаримда, “Янги Ўзбекистон” ғоясининг моҳияти ҳам ёшлар билан ишлаш борасида яратилган янги тизимда ёрқин намоён бўлади. Энг аввало, шахсан давлатимиз раҳбари, қолаверса, вазирлар ва ҳокимлардан маҳалла раисига — ҳамма билан фаолияти меҳварида ёшлар билан ишлаш асосий ўрин тутаяпти. Ҳар бир мутасадди раҳбар ўз олдига “Бугун ёшлар учун нима иш қилдим? Яна нима қила оламанд?” деган саволларни қўйиб яшамокда, ишламоқда.

Янги ёндашув, ўзига хос услуб

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони имзолаганидан бугунга қадар мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш тизими кўллаб босқичлардан ўтди. Энг муҳими, бу йилда жарандор, ҳавойи шпорлардан воз кечилиб, ёшларнинг ўзи билан бевосита мулоқот қилиш, муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича ўзига хос бурилиш ясаб, ягона вертикал тизимни яратишда мустаҳкам асос бўлди. Ҳар битта маҳаллага тенгдошларнинг дарду ташвишини яхши тушунадиган, муаммосини ҳал этишга қўмақлашадиган, ютуқларини рағбатлантиришга лаёқатли, ёш ва интилувчан кадрлар орасидан танланган ёшлар етакчилари тайинланди.

Улар орқали маҳаллалардаги ёшлар муаммолари тўрт босқичда — маҳалла, туман, ҳудуд, мамлакат даражасида ўрганилиб, ҳал этиладиган яхлит тизим яратилди. Бу тизим орқали юз минглаб ёшларни билим олиш, тадбиркорлик билан шўғулланишга қизиқтириш, бандлигини таъминлаш кўзда тутилди ва ўтган даврда муайян натижага эришилди ҳам.

Бундан ташқари, ёшлар билан манзилли ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ҳукуматнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган алоҳида дастури қабул қилинди. “Энг фаол маҳалла етакчиси” кўрик-танлови ташкил этилиб, юқори натижага эришган ёшлар етакчисига Президент совғаси сифатида автомашина берилди. Бу йил мазкур мукофот билан Фарғона вилояти Сўх туманидаги “Шарқобод” маҳалласи-

нинг ёшлар етакчиси Шохжаҳон Раҳимбердиев тақдирланди.

Мавжуд имтиёз ва имкониятлардан ҳамма ёшлар тенг фойдаланиши учун “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастури” амалга ошириляпти. Мазкур дафтар орқали кўрсатиладиган ёрдам тури 11 тадан 25 тага етказилди. Ўн уч йўналишдаги имтиёзлар ёшлар етакчиларининг тавсияси асосида йигит-қизларга тақдим этилмоқда.

Тизимни рақамлаштириш, имтиёзларнинг шаффоқлигини таъминлаш, жойларда бажариладиган ишларни уч босқичда мониторинг қилиш имконини берувчи “yoshlardaftri.uz” ягона электрон платформаси ишга туширилиб, “Ёшлар дафтари”ни юритиш жараёни тўлиқ электронлаштирилди.

Шу йил бошидаги хатлов ва ўрганишлар натижасида “Ёшлар дафтари”га 182 минг 620 нафар ёш киритилди. Касб-ҳунара ўргатиш, имтиёзли кредитлар, ер ва субсидиялар ажратиш ҳамда ижтимоий-моддий кўллаб-қувватлаш натижасида жорий йил бошидан буён 135 минг 470 нафар йигит-қизга қўмақ берилди. Имконияти чекланган ва тиббий ёрдамга муҳтож 47 минг 150 нафар ёшлар доимий назоратга олинди.

Ёшларни кўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар)да молиявий манбалари аниқ белгиланган алоҳида жамғармалар ташкил этилди ҳамда йил бошидан жамғармаларда 278,9 миллиард сўм маблағ шакллантирилди. Ушбу маблағ ҳисобидан “Ёшлар дафтари”га киритилган 38 минг ишсиз йигит-қизга ускуна, меҳнат қуроллари, уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидиялар ажратиш, нотурар жойлар ижараси кабилар учун 195,4 миллиард сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди.

Ёшлар муаммолари ва муурожаатлари билан ишлашнинг янги механизми жорий этилиб, “yoshlardaftri.uz” электрон платформаси ёки “1093” қисқа рақами орқали онлайн ариза қолдириш ва муурожаат ҳолати тўғрисида маълумот олиш имконияти яратилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида кўллаб йигит-қизларнинг муаммоси ижобий ҳал этилиб, ташкилий, моддий жиҳатдан қўмақ берилди.

“КИТОБ ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИНИНГ ДУРДОНАСИДИР. У БОБОЛАРНИНГ АҚЛ-ЗАКОВАТИ МАҲСУЛИНИ АВЛОДЛАРГА ТАШИЙДИ. ШУ БОИС, ЁШЛАР ОРАСИДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, КИТОБХОНЛИКНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ОММАВИЙ ТУС ОЛЯПТИ. ЖУМЛАДАН, “ЗУККО КИТОБХОН” ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲИМОИ, “ЁШ КИТОБХОН”, “ЁШ КИТОБХОН ОИЛА” ҲАМДА “МУШОИРА” ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛЯПТИ. “ЁШ КИТОБХОН” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ БОШЛАНГАН 2017 ЙИЛДАН БУГУНГА ҚАДАР 3 МИЛЛИОН НАФАРДАН ОРТИҚ ЁШНИ ҚАМРАБ ОЛДИ.

Эҳтиёжга муносиб даромад керак. Бунинг учун эса...

Бугун ёшларнинг бандлигини таъминлаш нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда долзарб масала. Ақсида олиб, бу қатламнинг куч-ғайрати ва шижоатига мутаносиб тарзда моддий эҳтиёж ҳам юқори. Шахсий ҳаётини ногдан бошлаши керак. Олдида уйланиш, бошланали бўлиш, рўзгор тебратиш ва бошқа масалалар туради. Бу муаммоларни ечиш учун муносиб иш ўрнига эга бўлиш керак. Яхши маош тўлайдиган ташкилотлар касби, ҳунари бор одамни ишга олади. Шу боис, бу йўналишда ҳам муайян натижаларга эришилди. Жойларда мономарказлар ташкил қилиниб, энг кўп қизиқиш билдирилган тивувчилик, қандолатчилик, бухгалтерия, аёллар сартароши, электр устаси, инглиз тили мутахассислиги, веб-дастурлаш каби соҳалар бўйича 834 нафар тингловчи касб-ҳунари бўлди. Шу йилнинг 31 май ҳолатига кўра, аини пайтда ўқув жараёни давом этаётган йўналишларда 525 нафар тингловчи таҳсил олмақда. Демак, яна шунча юрtdошимиз ишли бўлиш имконига эга.

Эсингизда бўлса, давлатимиз раҳбари қишлоқ жойлардаги ишсиз ёшларга деҳқончилик қилиб,



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

барча йўналишлар қамраб олинган. Мисол учун, ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, истеъдодини юзга чиқариш мақсадида апрель-май ойларида “Ёшлар овози” ҳамда апрель-июнь ойларида “Кувноқлар ва зукколар” танловлари ўтказилди.

Янги ширали овоз эгаларини кашф этишга хизмат қилаётган “Ёшлар овози” танловининг мамлакат босқичи Бўзатов тумани ҳамда Нукус шаҳрида ўтказилди. “Бўзатов ФЕСТ” — “Ёшлар овози” танловида 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган 238 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз уч ёш тоифасида ўз истеъдодини намойиш этди. Ғолибларга учта ўрин бўйича 50, 30, 20 миллион сўмдан пул мукофоти топширилди. Бундан ташқари, республика босқичида иштирок этган барча (ғолиблардан ташқари) иштирокчилар қаролатилган 10 миллион сўм билан рағбатлантирилди.

Жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасидаги қобилиятини намоён этиши учун шароит яратиш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида маҳаллалардаги ёшлар ўртасида футбол, мини футбол, волейбол, теннис ва “Street workout” бўйича мусобақалар ўтказилди. Мусобақалар 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар орасида беш босқичда, 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган ёшлар орасида эса маҳалла, туман-шаҳар босқичида ташкил этилди. Қувонарлиси, давлатимиз раҳбарининг шу йил 11 апрелдаги “Маҳаллаларда ёшларнинг оммавий спортга жалб қилиниши янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан ушбу спорт турлари жорий йилдан бошлаб, ҳар йили анъанавий тарзда 30 июнь — Ёшлар куни ҳамда декабрь ойдаги “Ёшлар форуми” доирасида беш босқичли оммавий спорт мусобақалари тарзида ўтказиладиган бўлди. Мазкур қарор билан 2023 йил 1 мартдан бошлаб олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича уч босқичли умумреспублика спорт мусобақаларини ўтказиш тизими ҳам жорий қилинади.

Ақл гимнастикасида ҳам фаолмиз

Шахмат ақлий фаолиятни яхшилайти. Шунинг учун бўлса керак, ёшлар орасида ушбу спорт турига қизиқиш тобора ортапти. Аини пайтда Ёшлар ишлари агентлиги бу спорт тури бўйича ҳам қатор танловлар ўтказиб келмоқда. Хусусан, агентлик ҳамда “Sky Chess” шахмат мактаби ҳамкорлигида “Chess club” лойиҳаси доирасида илк мартабада “Black and white” (Қора ва оқ) турнири ташкил этилди. 25-26 июнь кунлари Ёшлар ишлари агентлигининг яна бир йирик лойиҳаси — соврин жамғармаси 880 миллион сўм бўлган “Ёшлар ишлари агентлиги кубоги” республика шахмат турнири финал босқичи Қизилтепа туманида жойлашган Тудақул мажмуасида бўлиб ўтди. Унда турнирнинг маҳалла, сектор, туман ва вилоят босқичларида сараланган 56 нафар иштирокчи қатнашди. Бундан ташқари, май ойда юрtdошимизда ўтказилган “Марказий Осиё ёшлар форуми” доирасида халқаро ёш шахматчилар турнири ташкил қилинди. Мукофот жамғармаси 110 миллион сўм бўлган турнирда 33 нафар шахматчи куч синашди.

Бу йил ҳисобида шахмат бўйича ютуқларимиз бисёр. Жумладан 21-29 май кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида бўлиб ўтган “5th Sharjah Masters International Chess

Championship — 2022” халқаро шахмат турнирида Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Шамсиддин Воҳидов ва Хумоюн Бекмуродов каби бир қанча ёш шахматчилар юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. 31 давлатдан 100 га яқин шахматчи дона сурган мусобақа натижаларига кўра, 9 имкониятдан 7 очко тўлаган Нодирбек Абдусатторов чемпионлар сафидан жой олди.

Нодирбек Абдусатторов ўтган йили ҳам FIDE жаҳон чемпионатида шахматнинг рапид йўналиши бўйича жаҳон чемпиони бўлиб, шахмат тожини юртимизга олиб келганди. Яқинда эса, Малдив давлатининг Уқулхас оролида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида нуфузли Ғарбий Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда 19 нафар ёш шахматчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Ўзбекистонлик шахматчилар 10 та олтин, 8 та қумуш ва 5 та бронза медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади. Мазкур турнирда 170 га яқин шахматчи катнашган. Қувонарлиси, шахматчи қизларимиз Умида Омонова ҳамда Афруза Ҳамдамова Ғарбий Осиё чемпионатидаги барча йўналишда олтин медалларини кўлга киритиб, Ғарбий Осиё чемпионати мутлақ ғолиби бўлди.

Китобхонлик эскирмайди

Китоб инсоният тафаккурининг дурдонасидир. У боболарнинг ақл-заковати маҳсулини авлодларга ташийди. Шу боис, ёшлар орасида мутолаа маданиятини шакллантириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш оммавий тус оляпти. Жумладан, “Зукко китобхон” интеллектуал ўйини, “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила” ҳамда “Мушоира” танловлари ўтказиляпти. “Ёш китобхон” республика танлови бошланган 2017 йилдан бугунга қадар 3 миллион нафардан ортиқ ёшни қамраб олди. 2017 йилда беллашувда қатнашиш учун аризалар сони 240 минггача ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 555 мингдан ортди. Шу рақамнинг ўзи-ёқ ўғил-қизларнинг китоб мутолаасига қизиқиши, танловга ишончи йилдан-йилга ошаётганини кўрсатади.

Маҳалладаги уюшмаган ёшлар ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ҳам “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида бу йил биринчи бор ўтказилди. Баҳслар беш босқичда ташкил этилди. Тошкент шаҳри финал баҳсига мезбонлик қилди. Унда 14 та ҳудуддан 42 та жамоа иштирок этди. Соврин жамғармаси 200 миллион сўмлик беллашувларда ўз ҳудудининг заковатлилари мурасиш кураши. Яқинда эса, Пайрақ туманининг “Сорисув” маҳалласи ғолиби бўлиб, 100 миллион сўмини кўлга киритди.

Қуриниб турибдики, ёшларни рағбатлантириш, интилишларини кўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар сони ва сифати йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, бу йил барча танлов ва мусобақаларимизнинг соврин жамғармалари сезиларли даражада ошган. Бу эса ёшларни мутолаага янада кўпроқ қизиқишига, спорт билан мунтазам шўғулланишига, ўз устида тинимсиз ишлашга ундамоқда. Энг муҳими, ана шундай амалий ишларимиз туфайли юзлаб ёшлар кўллаб жабҳада юқори марраларни забт этиб, юртимиз доврўгини дунёга таратишда муносиб ҳисса қўшмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улкан марраларни ўз олдимиизга қўйганимиз. Бундай юксак мақсад йўлида ёшлар мамлакатнинг мустаҳкам таянчи, пўлат қанотига айланиши зарур.



ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

БЎЗАТОВДА ФАРҒОНА НАФАСИ

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ер дардига кулоқ тутиб

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси шимолий туманлари аҳолиси турмуш даражасини ошириш, ҳудудни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кундан-кунга кенгаймоқда.

Шу ўринда айтиш лозимки, бу ерда юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишларда фарғоналиклар ҳам фаол иштирок этяпти.

Бир пайтлар Орол денгизи ва унга туша дарёлар, яйловлар одамларга, тирик жонзотларга ризқ улашган. Чорвачилик, деҳқончилик, балиқчилик, шолчилик тармоқлари ривожланган.

Хамроҳим, “Бўзатов овози” газетаси мухбири Мусаббек Жўлдасбаев уфқ тоқига кўтарилаётган кўёшга боқди, пешонасига қўлини соябон қилиб, “Бир пайтлар мана шу жойларда мўл-кўл шоли, пахта етиштирилган”, дея қўз илғамас кенгликларга термўлди.

Денгизнинг чекиниши сабаб минтақада чулланиш ва шўрлашиш даражаси кескин ортди, ерларнинг мелiorатив ҳолати издан чиқди. Кўпчилик бошқа жойларга кўчиб кетишга мажбур бўлди.

Йиллар силсиласида тобланган Бўзатов туманида бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги ҳаёт бошланиб, имкониятлар эшиги очилди. Кейинги икки йилда аҳоли кўндалик ҳаёт тарзи учун муҳим шарт-шароитларни яратишга бўлган эътибор ошди. Ёшлар маркази, футбол майдони, минг ўринли маданият саройи, болалар спорт мактаби, Бердақ номидаги истироҳат боғи, мактаб, шифона, мактабгача таълим муассасаси, молия, ғазначилик, бандликка кўмаклашиш, Давлат хизматлари маркази сингари ташкилотлар учун янги бино ва иншоотлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари қуриб битказилди.

Президентимиз қорақалпоқ заминидagi сайловолди учрашувида “Бўзатовда кенг кўламли янгиланишлар, бунёдкорлик ишларини амалга оширишда сизларга Фарғона тажрибаси керак” дея таъкидлаган эди, — дейди Бўзатов тумани маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Уринбой Қўдайназаров. — Фарғоналиклар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳудуд қўйғасини, одамлар ҳаёт тарзини ўзгартирмоқда, янги ташаббусларга қанот бўлмоқда. Туманимизга Фарғона нафаси кириб келди.

Амалий ишлар, истиқболли режалар

Бўзатов асосан, қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган туман эканлиги инобатга олиниб, янги ерларни ўзлаштириш, сув олиб келиш, ҳудуд иқлим ва ер шароитига мос бўлган экин турларини жойлаштириш ҳамда парвартиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу кунга қадар 13 та ташаббускор тадбиркор 3428 гектар ер майдони электрон онлайн-аукцион савдоси голиби бўлди. Ер майдонлари босқичма-босқич ўзлаштирилмоқда. Айти кунда 143 километр ариқ ва 97 километр коллекторларни тозалаш, 2 та янги насос станциясини ишга тушириш борасидаги лойиҳалар амалга оширилляпти. Шу кунга қадар 1544 гектар ер майдони ўзлаштирилди. Бу белгиланганидан 220 гектар кўп. Уз вақтида олиб борилаётган агротехник тадбирлар, бўзатовлик деҳқонларнинг амалий ёрдами, қўллаб-қувватлашлари натижасида ниҳоллар барваж ривожланимоқда. Шунингдек, боғдорчилик, полизчилик, чорвачилик, иссиқхона ҳўжалиқлари ташкил этиш, озуқабол экинлар етиштириш борасида янги лойиҳалар амалга оширилляпти.

Одамларнинг яратувчиликка бўлган иштиёқи банд, — дейди “Фарғона — Бўзатов тадбиркорлиги қўллаб-қувватлаш” дирекцияси директори Акмалхўжа Саидов. — Биргина қишлоқ ҳўжалиги йўналишида 320,2 миллиард сўмлик

23 та лойиҳа, инвестиция дастури доирасида 36 та лойиҳа амалга оширилляпти. Бу бир вақтнинг ўзида 1600 дан зиёд янги иш ўрни яратиш имкониятини беради. Шунингдек, саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишларини ривожлантириш бугунги кўннинг муҳим вазифаларидан. Натижада 179,4 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш қуввати яратилляпти, 14,6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, маҳаллий бюджетга 11,6 миллиард сўм маблағ тушляпти.

Сув — бу ҳаёт

Ёввойи тўқайзорларда ишлаётган қудратли техникалар юлгун, саксовулларни кўпориб бормоқда. Узоқ йиллик гафлат уйқусида бўлган дов-дарактлар безовта тўлғонади. Қадрдон қўналғасини химоя қилишга уринган қирғовуллар самодда чарх уради. Чиябўри, тулки, қўён, илон каби жониворлар барханлар кўйинга янги ҳаёт олиб кираётган одамлар ҳаракатига монанд атрофда кезинади.

Сув Бўзатовда ҳаёт-мамонт масаласи, — дейди “Сирдарё — Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассиси Ғайратжон Рустамов. — Чунки аксарият ер икки-уч тумандан ўтиб келувчи сув билан сугорилляпти. Шу боис, мавжуд масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратилиб, Фарғона вилояти маҳаллий бунёд



бунёдкор униб чиққан ғўзалар шоналяпти, соя гулга кирди.

Узоқ йиллар бурун фойдаланишдан чиқиб кетган Кўкшеил ҳудудидаги бу ерлар яқингача юлгунзор эди, — дейди кластер иш бошқарувчиси Қажрамонжон Имомназаров. — Ўзлаштирилган майдонларда бир пайтнинг ўзида учта жараён — ер ҳайдаш, бороналаш, мола қилиш ишлари бажарилляпти, чигит экилди. Чунки барча юмушлар бир кўнда бажарилмаса, тупроқнинг нами қочиб, уруғ униб чиқши кечикади. Олимлар тавсияси билан тупроқ иқлим шароитига мос С — 4727 пахта навини экиди. Бу навдан биринчи йилнинг

Бешариқ қовунлари

“Қусханатов” массиви Амударё этагиде жойлашган. Ўн қақиримдан кўпроқ масофада дарё суви қорақалпоқ диёрининг асрий қишлоқлари ва овулларига ризқ-насиба улашиб, турли ирмоқларга бўлинади. Азал-азалдан бу қумлоқ ерларда полиз экинлари етиштирилган.

Жорий йилда Бешариқ туманидан келган “Рамз Бўзатов боғи” ғаллачилик кластери ташаббуси билан 32 гектар ерга таъми тилни ёрадиган кузги қовун уруғлари экилди. Кенг пайкаллар бўйлаб палак ёзаётган экинларда ҳосил нишонлари буй кўрсатиб турибди. Яна санокли кунларда пайкаллар ҳосилга тўляпти.

Қорақалпоқ диёрида қовун етиштириш бўйича ўзига хос тажриба ўтказилиб, экспорт имкониятларини ўрганишга ҳаракат қилинляпти, — дейди “Рамз Бўзатов боғи” МЧЖ раҳбари Рамзбек Раимов. — Ерлар унумдор, қовундан яхши ҳосил олишимизга ишонманам.

Ҳаммаси учун раҳмат!

Бўзатовда аҳоли кўндалик ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга бўлган эътибор кўндан-кўнга ошиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Қорақалпоқ ери тоза, тупроғи унумдор. Шу кунга қадар 50 минг туп мевали кўчат ўтказилди, 185 та хонадон томорқасига кичик иссиқхона қуриб берилди, икки гектардан ортик томорқа ҳўжалиқларига “Оптирик тажрибаси” асосида тоқ кўчати экилди, сўроқлар қурилди. Наслдор қўёнлар, қўй-эчкилар берилди. Лимончилик ва кўчат етиштириш тажрибаси омалашмоқда.

Паррандачиликни “драйвер” соҳага айлантиришга эътибор қаратилляпти, — дейди “Бўзатов” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Жўгинис Жуманазаров. — Шу мақсадда 100 та хонадонга 2 минг қурқа ва товуқ, 10 та хонадонга 500 жўжа олиш қувватига эга бўлган инкубатория қуриб берилди. Бу амалий тажриба бизнинг ҳудуд иқлим шароитимизга мос бўлган насли парранда етиштириш, маҳсулдорлигини ошириш имконини бермоқда. Шунингдек, 53 та оилага қўй, 10 та оилага қўён тарқатилди.

Эзгу мақсад йўлида бошланган ишлар ўз самарасини бера бошлади. Фарғона тажрибаси асосида яратилган иссиқхонада бодринг, помидор ҳосилга кирди. Қўйлар қўзилляпти, паррандачилик тараққий этмоқда.

Деҳқончилик қилиб, ўз қўлинг билан узиб, истеъмол қилган нўматнинг таъми бошқача бўларкан, — дейди Меҳигул Қабилназарова. — Илгари томорқамизга фақат терак экардик. Фарғоналиклар тавсияси билан редиска ва картошка экиди. Дастлабки ҳосил чўғи чакки бўлляпти. Рузгоримиздан ортиб, бозорга олиб чиқдик. Ҳовли атрофига экилган мевали дарактлар яхши ривожланмоқда. Томорқа юмушлари соғлом бўлишимиз учун ҳам яхши имконият экан. Қўён ва қўйларим кўпаймоқда. Ҳаммаси учун раҳмат.

“ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК БЎЛГАН ЖОЙДА ФАЙЗУ БАРАКА, ҲАМЖИҲАТЛИК БЎЛАДИ. ХАЛҚИМИЗГА ХОС БУ ФАЗИЛАТЛАР БЎЗАТОВНИНГ ҲАР БИР МАҲАЛЛАСИ, ХОНАДОНИДА ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА. АСОСИЙ ЭЪТИБОР ИЧКИ ЙЎЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ, ИЧИМЛИК СУВ, ТАБИИЙ ГАЗ, ЭЛЕКТР ТАРМОҒИ ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН.

Фарзандларим ёнимга кирди. Айти пайтда маҳалламиздаги 10 нафар қизга хўнар ўргатилман.

Тадбиркор “Бўзатов” шаҳарча фуқаролар йиғинидаги намунали оила Бекаси сифатида ҳам кўпга ибрат бўлиб келмоқда. Эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътибор толган Раҳима Бекмуратова “Муътабар аёл” кўркак нишони билан тақдирланди.

Йўллар таъмирланмоқда

Ободлик, бунёдкорлик бўлган жойда файзу барака, ҳамжиҳатлик бўляпти. Халқимизга хос бу фазилатлар Бўзатовнинг ҲАР БИР МАҲАЛЛАСИ, хонадониде қулоч ёймоқда. Асосий эътибор ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик сув, табиий газ, электр тармоғи тортиш масалаларига қаратилган.

“Бўзатов” ШФЙ ва “Аспантай” ОФЙларидеги таъмирталаб бўлган 2,6 километр йўл текисланиб, шағал ётқизиш ишлари амалга оширилди. “Қусханатов” ва “Еркиндарья” ОФЙларидеги бир километр яқин электр тармоғи янгилаб берилди. “Кўксув” ОФЙга қарашли Олғабос овулининг 2 та ҳудудида қудуқ қазилиб, ичимлик сув чиқарилди.

Президентимизнинг сайловолди учрашувида Бўзатов тумани аҳолиси учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яра-

Тадбиркорлик — тараққийёт омилли

Қишлоққа саноатни олиб кириш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим амаллардир. Бу аҳолининг яшаш тарзини ўзгартириб, ҳаётга бўлган муноса-



батини, эртанги кунга ишончини оширад. Шу мақсадда иқтисодий хўмиёга муҳтоқ 500 оилага вилоят ҳокимлиги томонидан моддий ёрдам кўрсатилди, уларнинг бандлиги таъминланди.

“Қусханатов” овул фуқаролар йиғинида “Marg'lon hunarmandlari” МЧЖ ташаббуси билан тикувчилик цехи ташкил этилиб, 15 дан ортик янги иш ўрни яратилди. Марғилон шаҳридаги “Орол буйи хўнармандлари” марказида соҳа сирларини ўрганиш бўлган бўзатовлик хотин-қизлар учун ўқув курслари иш бошлади. Риштонлик хўнарманд Баҳромжон Ғофуров ташаббуси билан кигиз тўқим кооперацияси ташкил этилди.

Кўнча Бўзатовнинг Дўстлик кўчасида умргузаронлик қилаётган Раҳима Бекмуратова оддий буюмлардан сара гуллар тайёрлаш ҳадисини олган. Маҳорат ва меҳр эвазига, ўзига хос кўринишларда дунёга келаётган турфа гулларнинг бозори чаккон. Бир қарашда бу гулларни табиий гуллардан фарқлаб бўлмайди. Болалигидан оддий ва нафис буюмлар тайёрлашни ўрганган Раҳима она хар кун бирон-бир мўъжиза яратишни мақсад қилди. Унинг устахонаси ҳаммаша гавжум, файзли. Оддий лента, қийим, пакет, сув идишлар (бақалашка) янги маҳсулотлар учун ишончли хомашё вазифасини бажарди.

Бўш вақтларимда интернет тармоғи орқали оддий буюмлардан чиройли ва бежирим гуллар тайёрлашни ўрганиб олганман, — дейди тадбиркор аёл. — Аввалига шўнчаки қизички бўлиб кўринган ишларим кўпнинг эътиборига тушди. Маҳсулотларни харид қилиш истагиде бўлган талабдорлар кўпайди. Албатта, бундан руҳландим, куч-қувват олдим.

тиб бериш борасида айтган фикрлари бугун ижобат бўлмоқда, — дейди меҳнат фахрийси Мангитбай Жақсимуратов. — Қисқа фурсатда илларга татигулик ишлар амалга оширилди. Янги йўллар, табиий газ, ичимлик сув, электр тармоқлари тортилиб аҳоли кўндалик ҳаёти учун муҳим бўлган шароитлар яратиб берилаётганидан миннатдорим. Яқинда бир гуруҳ фахрийлар Фарғонадаги сўлим дам олиш масканларида бўлиб, саломатликларини тортиб кўндалик кайтишди. Бу ҳам имтиёз ва имконият. Муҳими, бундай хайрли ўзгариш ва янгиликлар ҲАР БИР оила ҳаёт тарзида буй кўрсатиб турибди.

Айти кунда Фарғона вилояти ҳокимлигининг хўмийлик маблағлари ҳисобидан “Қусханатов” ОФЙ Қандекли овули ва Махтумқули кўчасига 3 километр ичимлик сув тармоғи янгидан тортилмоқда, туман ҳудудидаги 12 километр ички йўлларга қумли-шағалли қопламалар тўқилмоқда. “Кўксув” ОФЙ биносини реконструкция қилиш, “Бўзатов” ШФЙ ва “Қусханатов” ОФЙларидеги 2- ва 5-умумтаълим мактаблари ҳудудида 12Х24 ўлчамдаги спорт зали қуриш, “Аспантай” ОФЙ Хива овулида ҳамда “Кўксув” ОФЙ, Чегара терексувида мактаб филмаларини мукамал таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, мактабгача таълим масканлари қуриш, қўшимча ўринлар яратиш, тиббий хизмат самардорлигини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилляпти.

Фарғона билан Бўзатов ораси қарийб бир ярим минг километр. Аммо Бўзатовнинг дашту даласи фарғоналиклар учун бегона эмас. Улар бу ерларга олтин водий гавахари — Фарғона нафасини олиб кирмоқда.



жети ҳисобидан 35 километр масофадан сув олиб келинди, ариқлар тозаланди. Агар сув муаммоси ҳал бўлса, Бўзатов гуллаб-яшнайд, боғу бўстонга айланяпти.

Айти кунда сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар ечими юзасидан амалий ишлар бошланган. Шу мақсадда Амударёнинг ГК-900 қисмида сониясига 3 куб метр сув чиқариш имкониятига эга насос агрегатини ўрнатиш ишлари олиб бориляпти. Бу лойиҳа ишга тушса, туман ҳудудидаги 76,9 километрлик Еркиндарья ҳўжалиқларро каналли бўйлаб жойлашган 1,5 минг хонадоннинг 210 гектар томорқа майдони, 2,8 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги экин майдони, 3,5 минг гектар яйловларни сув билан таъминлаш имконияти яратилляпти.

Шунингдек, ичимлик сув таъминоти энг муҳим ҳаётий масала экани инобатга олиниб, “Аспантай”, “Еркиндарья”, “Қусханатов”, “Кўксув” овул фуқаролар йиғинларидаги сув тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилади, сувни чўчуқлаштирувчи иншоотлар қурилади.

Янги имкониятлар

“Yaupan univer cluster” МЧЖ пахтачилик кластери томонидан ҳозирга қадар 1100 гектар ер ўзлаштирилиб, 60 гектар ерда пахта, 90 гектар ерда соя, 10 гектар майдонда эса картошка парвартирилляпти. Сидқидилдан қилинган меҳнат тўфайли

ўзиде 35 центнергача ҳосил олиш мумкин. Мақсадимиз, жорий йилнинг ўзиде гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш.

Кластерда маҳаллий аҳоли учун 100 га яқин янги иш ўрни яратилди. Шамсиддин Ҳўжамуродов Қозғистонда мавсумий юмушларни бажариб юрарди. Кластер ташкил этилган, биринчилардан бўлиб ишга кирди. Турмуш ўртоғи, икки фарзанд билан биргалиқда ижарага ер олиб, оилавий пудрат асосида иш олиб боряпти. Ҳамжиҳатликда қилинган меҳнат, топилган даромад оила фаровонлигига хизмат қилляпти.

Бу ерларни жуда яхши биламан, — дея сўхбатга қўшилди механизатор Есенбай Ержанов. — Асосан, шоли, макка ва пахтадан яхши ҳосил олинган. Сув муаммоси сабаб ерлар қаровисиз қолиб кетган. Аҳоли бу ерларга янги ҳаёт кириб келганидан жуда хурсанд. Буни меҳнатни соғинган оддий одамларнинг юз-кўзи, ҳаракатларидан билиб олса бўляпти.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридеги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 2127.
85744 нусхадде босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева
Мусахҳис: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй